
Кўк дўппи маҳалла фуқаролар йиғинида туман ҳокими бошчилигида сектор раҳбарлари ёшлар билан учрашув ўтказдилар.

Учрашувда 30 нафардан зиёд ёшлар иштирок этдилар. Йиғилган ёшлар томонидан 17 та мурожаатлар келиб тушган бўлса, шу жойнинг ўзида 6 таси ўз ечимини топди. Қолган мурожаатлар тегишлилиги бўйича соҳа мутахассисларига йўналтирилиб, белгиланган тартибда ижро муддати назоратга олинди.

Учрашувдан сўнг белбоғли кураш бўйича республика чемпионатида Фурқат тумани номидан қатнашиб, фахрли биринчи ҳамда совриндор бўлган ёшлар ва "Ёш шоирлар" республика онлайн кўрик танловида ғолиб бўлган ёшлар туман ҳокими ва секторлар раҳбарлари томонидан тақдирландилар.

Фурқат тумани ҳокимлиги АХБОРОТ ХИЗМАТИ

